



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 21-aprel. Seshanba 46 (31.949)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqib boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАН МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

Жумладан:

Иордания Подшоҳи

— Абдуллоҳ II бин ал-Хусайн

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги
Бош вазири ва мудофаа вазири

— Абдуллоҳ Энсур

Баҳрайн Подшоҳи

— Ҳамад бин Исо
Ол Халифа

Венгрия Президенти

— Янош Адер

Болгария Республикаси Президенти

— Росен Плевнелиев

Нидерландия Қироллиги Бош вазири

— Марк Рютте

«Эйрбас Хеликоптерс» компаниясининг
Европа бўйича раҳбари

— Оливьер Мишалон

Собиқ конгрессмен, АҚШ Конгресси
Вакиллар палатаси
Халқаро муносабатлар
қўмитасининг Осиё, Осиё-Тинч океани
минтақаси мамлакатлари ва
атроф-муҳитни глобал муҳофаза қилиш
кичик қўмитаси раиси

— Эни Фалеомаваега

«Италия-Ўзбекистон» қўшма савдо
палатаси президенти

— Луижи Иперти

Олий геосиёсий тадқиқотлар ва
турдош фанлар институти
президенти

— Тиберио Грациани

«Ван де Виль» компаниясининг
бош ижроочи директори

— Чарльз Буадин

табрик йўлаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР



БАРЧА КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗНИ

мамлакатимиз тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги учун сарфлайлик

2014 йилги сайловларда Фарғона вилоятидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига (4 нафар), халқ депутатлари вилоят Кенгашига (17 нафар), туман ва шаҳар Кенгашларига (181 нафар) сайланган депутатлар пяртия Сайловолди дастури ижросини таъминлаш, сайловчиларга берилган ваъдаларни бажариш учун изчил фаолият юритишга ҳаракат қилмоқда.

Жорий йилнинг 29 март куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳам мамлакат ҳаётида муҳим сиёсий ва тарихий воқеа бўлди. ЎзХДПнинг барча даражадаги тузилмалари мазкур

сайловлар жараёнида муносиб иштирок этишга ҳаракат қилди. Партияимиз Ўзбекистон танлаган йўлни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, сайловчиларнинг демократик онгу тафаккурини ошириш, фуқароларда юрти-

мизда амалга оширилаётган ислохотларга, ўзгариш ва янгиланишларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш масалаларига жиддий эътибор қаратди.

Ҳўш, бугун партия маҳаллий кенгашлари, партия гуруҳлари олдида қандай муҳим вазифалар турибди? ЎзХДП Фарғона вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида шу масала атрофида муҳокама қилинди. Дастлаб Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма маж-

лисидаги нутқида билдирилган фикрлар, илгари сурилган вазифалар ижроси юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Партия ташкилотлари, депутатлар фаолиятига танқидий баҳо берилди.

Шуни айтиш кераки, сайлов кампанияси даврида партия туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотлари тарғибот ишлари таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор қаратди.

► Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2015 йил 20 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисини шу йилнинг 15 май куни Тошкент шаҳрида қабул қилишга ва либераллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари киритилмоқда.

«Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, «Қимматли қўғозлар бозори тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Электрон тижорат тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда социал-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбирқорликни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ соҳасини, ахборот хавфсизлигини такомиллаштириш назарда тутилган бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Ялпи мажлис кун тартибига халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари ҳам киритилди.

Шулар билан бир қаторда навбатдаги ялпи мажлисда сенаторлар Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги, Ҳисоб палатасининг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақидаги масалаларни муҳокама қилдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг иккинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир фаолиятини мувофиқлаштириб бориш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

ТАЙЁРЛАНИНГ, ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДЛАРИ КЕЛМОҚДА

Гулистон шаҳрида 18 апрель куни таэквондо бўйича жаҳон чемпиони Дилбар Холжигитовага Президентимиз совғалари топширилди.



Жаҳон классик мусиқа ихлосмандлари томонидан «Фортепьяно шахзодаси» дея эътироф этилаётган Шохрух Бахтиёров учун Моцарт, Бах, Чайковский каби буюк композиторларнинг асарларидан намуналар ижро этиш ёки ўзбек тилида сўзлаша оладиган робот яратган Олимжон Тўйчиев учун шу йўналишда бетиним илмий изланишлар олиб бориш нафас олишдек бир гап.

Гулистонлик Дилбар Холжигитова учун эса таэквондонинг ITF тури билан шугулланиш ҳудди шундай одатий ҳол...

Бу ҳақда тафсилотга берилмасликнинг иложи йўқ. Тўққиз карра мамлакат, икки карра Осиё ва икки карра жаҳон чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори деган юсак номларга сазовор бўлган 20 ёшли бу қиз шу йилнинг март-апрель ойларини бир умр эслаб юрадиган бўлди. Боиси...

► Давоми 3-бетда.

«ЕШ СИЁСАТЧИ — 2015»

«Мен Ватаним равнақига ҳисса қўшишни хоҳлайман»

«7897000 сўм маблағ, 1 та фойдаланилмай турган бино, 3 нафар мутахассис...» Бу «Еш сиёсатчи» кўриктанловининг Чирчиқ шаҳар босқичи иштирокчиси Ваҳобжон Ўразматовнинг лойиҳасида келтирилган рақамлар. У ўз лойиҳасини ишлаб чиқишдан аввал ҳудуддаги хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти

билан танишди. Шаҳарда гўзаллик салонлари, тўқувчилик ва тикувчиликка эҳтиёж бор, деган хулосага келди. Ўқув марказини очиш йўлини танлади. Ваҳобжон ҳам аҳолига қулайлик яратишни, ҳам опа-сингилларимизни хунарни ва ишли қилишни кўнглига туйди.

► Давоми 2-бетда.

Эътироф

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эгадир. Республикада барча соҳалардаги янгиланиш жараёнлари жадал суръатларда бормоқда, ўтказилаётган кенг қамровли ва изчил ислохотлар салмоқли натижаларини бермоқда. Иқтисодиётнинг оғишмай ўсиши, халқнинг турмуш кечириш даражаси тобора юксалиб бораётгани кузатилмоқда. Энг муҳими, гўзал ва муқаддас диёрингизда тинчлик ва озоишталик ҳукм сурмоқда.

Корнелиус Ладаж,
«Intertwine Consultancy»
компанияси президенти
(Нидерландия).


Ҳимоя институти

Адлия вазирлиги томонидан Адвокатлар палатаси билан ҳамкорликда «Адвокатура институти — инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси йўлида» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. 3

Кучлилар Хоразмга боради



Футбол, волейбол ва бокс бўйича ўтказилган минтақавий баҳслар голиблари «Умид ниҳоллари — 2015» финал босқичида медаллар учун курашни давом эттиради 4



ЮТУҚЛАР ЎЗИМИЗНИКИ,
биз кўпроқ камчиликларни бартараф
этиш ҳақида ўйлашимиз зарур



Партия аъзоси бўлиш
масъулияти...

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Барча куч ва имкониятларимизни

мамлакатимиз тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги учун сарфлайлик



Мушукон КОДИРОВ олган суратлар.

— Аммо айрим туман ва шаҳар партия ташкилотлари ўз ҳудудидаги бошланғич ташкилотлар, партия аъзолари, депутатлар имкониятларидан унумли фойдалана олмади, — деди **ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Махмуджон Махкамов**. — Бу партия ташкилотлари ишини янада такомиллаштириш, аъзолари таркибини таҳлил қилиб бориш, бошланғич ташкилотлар фаолияти ҳамда партия тизимида ишлаётган ходимларнинг сиёсий билим ва кўникмаларини ошириш ишларини изчил давом эттиришни талаб этади. Шунингдек, янги сайланган депутатларнинг партия-миз дастурий мақсадлари ва сайловолди ваздаларини амалга ошириш борасидаги сай-харакатларини кучайтириш муҳим вазифадир.

— Биз депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг барча шаклларида тўлиқ фойдаланишимиз зарур, — деди **ЎзХДП Риштон туман кенгаши раиси Зокиржон Зокидов**. — Аввало, партия ташкилоти билан депутатлик гуруҳи ўртасида доимий ҳамкорлик бўлиши шарт. Қолаверса, Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётган қонунлар лойиҳалари янада мукамал бўлиши учун маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳам улардан хабардор бўлиши, ҳудудлардаги вазиятлар асосида тақлифлар юбориши яхши самара беради.

— Хар қайси партиянинг обрў-эътибори, жамият ҳаётида турган ўрни, аввало, бошланғич ташкилотларининг қай даражада ишлаётганига боғлиқ, — дей-

ди **ЎзХДП Бувайда туман кенгаши раиси Ҳабибхон Тошматов**. — Шу маънода, жойлардаги мавжуд бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада жонлантиришимиз керак. Чунки муаммолар, тақлифлар, оддий фуқаро ва сайловчиларнинг кайфияти, ҳолати бошланғич ташкилотларга яхши маълум бўлади. Афсуски, бу борадаги ишлар ҳамма жойда ҳам бирдек эмас. Бугунги кунда барча бошланғич ташкилотлар сиёсий ўқувлар билан тўлиқ қамраб олингани йўқ. Ўқувларни юқори савияда ўтказишда ханузгача тарғиботчилар гуруҳлари, маҳаллий Кенгашдаги депутатлар имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмапти.

Партиямиз Сайловолди дастурида коллеж битирувчиларига имтиёзли микрокредитлар бериш, ўз бизнесини очиши, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари учун мақбул шароитлар яратиш масалалари илгари сирли бўлди. Шунга асосан **ЎзХДП «Истиқбол»** ёшлар қаноти «Коллеждан — корхонага» лойиҳасини самарали амалга оширмоқда. Лойиҳа доирасида меҳнат қонунчилигига касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш кафолатларини мустақамлаш мақсадида киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ёшлар орасида кенг тушултирилди. Битирувчиларга имтиёзли микрокредитлар бериш, уларнинг мустақил тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун белгиланган солиқ имтиёзлари ҳақида маълумотлар берилмоқда.

— Ёшларни иш билан таъминлаш масаласи ўқувчи коллежни

Бугунги кунда барча бошланғич ташкилотлар сиёсий ўқувлар билан тўлиқ қамраб олинishi керак.

битириш арафасида турганида эмас, балки коллежга ўқишга қабул қилинган вақтидан бошлаб кўтарилиши ва бу бўйича амалий ҳаракатлар бошланиши мақсадга мувофиқ, — дейди **«Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими етакчиси Шохрух Уктамов**. — Шунда ўқувчи ўзи учун кафолатланган иш ўрни мавжудлигини ҳис қилган ҳолда, касб сир-асорларини янада чуқурроқ ўрганади.

Пленумда **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, парламентдаги партия фракцияси раҳбари Ҳотамжон Кетмонов** қатнашди ҳамда партия маҳаллий кенгашлари олдига турган долзарб масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Пленумда маҳаллий партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги **ЎзХДП** гуруҳлари зиммасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП ҳудудий Кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтмоқда

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

Партия гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш — устувор вазифа

■ **ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими билан биргаликда Термиз шаҳри ва Қумқўрғон туманида «Электротат манфаатларини ҳимоя қилишда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш» мавзuida ўқув-семинар ташкил этди.**

— Аҳоли бандлигини таъминлаш дунё миқёсида долзарб муаммога айланган, — дейди **ЎзХДП вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Чори Жумакулов**. — Биргина ўтган йили воҳада 64 мингга яқин янги иш ўрни яратилган бўлса, уларнинг аксариятига хотин-қизлар ва касб-хунар коллежлари битирувчилари жойлашди. Аммо бандлик масаласида жойларда ечимини қутаётган муаммолар ҳам бор. Уларни бартараф этиш учун ўтган қаҳриқда 60 дан ортиқ масала маҳаллий Кенгашлар сессияларида кўриштирилиб, тегишли

таб, коллеж ва маҳалла ҳамкорлигини янада изчил йўлга қўйиш керак, деб ўйлайман. Бу борада депутатлар, партиямиз ташкилотлари олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишлари муҳим ўрин тутати.

— Электротатни ўйлантираётган масалаларни атрофдаги ўрганиш ва бартараф этиш ҳар бир депутатнинг бурчи, — дейди **ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Мухаббат Абдуллаева**. — Ҳозирда «Кексаларнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз» лойиҳаси доирасида иш олиб бормоқдамиз. Мақсадимиз кекса авлод вакиллари ижтимоий

Ҳар бир партия гуруҳи ўз ҳудудидаги муаммоларни ҳал этиш учун астойдил курашиши зарур.

қарорлар қабул қилинишига эришилди. Уларнинг ижросини таъминлаш борасида доимий мониторинг ишлари олиб боришмоқда. Бунда депутатларнинг фаолияти муҳим ўрин тутмоқда.

Пленумда ҳар бир партия ташкилоти ҳамда гуруҳига ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиш, келгусидаги ишларни аниқ белгилаб олиш вазифаси топширилди. Пленумда бошқа масалалар юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари **Носиржон ДЕҲҚОНОВ, Гулрух ТОШМАТОВА.**

муҳофаза қилиш ва уларнинг турмуш шароитларини янада яхшилашга ҳисса қўшишдан иборат. Яқинда Термиз шаҳрида дастлабки учрашув ўтказилди. Унда аҳолини ўйлантираётган қатор масалалар кўтарилди. Улардан бири табиий газ муаммосидир. Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашидаги партиямиз гуруҳи ушбу масалани ижобий ҳал этишни зиммасига олди. Ҳар бир партия гуруҳи ўз ҳудудидаги муаммоларни ҳал этиш учун ҳаракат қилиши, курашиши зарур.

— Туманимизда хориж инвестициясини жалб қилиш, йирик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш долзарблик касб этмоқда, — деди **ЎзХДП Олтинсой туман кенгаши раиси Рўзбой Лапасов**. — Келажакда шу каби муҳим масалаларни чуқур ўрганиб, туман Кенгаши сессиясига олиб чиқишни режалаштирганимиз.

Ўқув-семинарлар якунида ижтимоий масалаларни ўрганиш, партия гуруҳлари томонидан аниқ тақлифлар тайёрлаш, сессияларга киритиш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Абдумалик ХАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЁШ СИЁСАТЧИ — 2015»

«Мен Ватаним равнақиға ҳисса қўшишни хоҳлайман»

— Шаҳримизда фойдаланилмаётган бинолар мавжуд бўлгани боис лойиҳамни амалга оширишга кўп маблағ талаб қилинмайдиган, дея ўз фикрини давом эттириди танлов иштирокчиси. — Мен ташкил этмокчи бўлган «Моҳир қўллар» ўқув марказида 3 та йўналишда хунар ўргатилади: тўқувчилик, тикувчилик ва сартарошлик. Ҳозирги вақтда қўл меҳнати, яъни қўлда тўқилган кийим-кечакларга талаб катта. Тикувчилик ва гўзаллик салонлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Асосийси, қисқа вақт давомида ўнга яқин хотин-қиз иш билан таъминланса, қўллаб-қувватлаш-римиш хунар эгасига айланади. Арзон ва имтиёзли ўқув курслари ташкил этилади...

«Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг ҳар бир иштирокчиси ўз бизнес лойиҳасини шу тарзда тақдим этади, иқтисодий асосларини, ижтимоий аҳамиятини тушунтиришга ҳаракат қилади.

Танловнинг биринчи — бошлан-

ғич ташкилотлар ҳудудида бўлиб ўтган босқичида Чирчиқ шаҳридан 47 нафар йигит-қиз иштирок этди. Кучлилар орасидан саралаб олинган 7 иштирокчи вилоят босқичида ўз ҳудуди шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини берувчи йўлланмани қўлга киритиш учун баҳслашди.

Ёш сиёсатчилар тақдим этган лойиҳаларда аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада яхшилаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш орқали ҳудудлар иқтисодиётини барқарорлаштириш, туризмни ривожлантириш, ёши улуг инсонларнинг турмуш фаровонлигини ошириш каби долзарб масалалар илгари сурилди.

Энг муҳими, ёш йигит-қизлар «Мен эртага ким бўламан, нима иш билан шуғулланаман?», «Ҳаётдаги ўрним қандай бўлади?» каби саволлар ҳақида ўйлаб кўриб, мулоҳаза юритишди. Тенгдошлари

билан фикр алмашишди.

Луиза Туганова, кўрик-танлов иштирокчиси:

— Шаҳримиз саноатни ривожлантириш учун қўлай ҳудуд ҳисобланади. Шунинг учун ишлаб чиқариш билан бирга, қайта ишлашни ҳам йўлга қўйиш керак. Масалан, чиқиндиларни қайта ишлаш орқали муқобил энергия манбалари, хомаш маҳсулотлари олиш мумкин. Бунинг учун кўчаларда машиш чиқиндиларга алоҳида, полиэтилен пакетларга бошқа қўтилар ўрнатилса, ишимиз оsonлашади ва тозалик ҳамда ободликка эришамиз. Лойиҳани амалга оширишда Чирчиқдаги кимё заводида буюртма бериб, чиқиндилар учун махсус идишлар сотиб олинади. Чиқиндиларни қайта ишлаш учун эса инвестиция жалб қилинади. Натияжада янги иш ўринлари яратилади...

— «Ёш сиёсатчи» танловида йилдан-йилдан иштирокчилар сони ортиб бормоқда, бу унинг оммага алоқадорлигини далолат беради, — дейди **ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Шохрух Абдурахмонов**. — Бугун лойиҳа



Санжар ШОҲУЛЛАЕВ олган сурат.

тақдиротидаги чиқишлар, савол-жавоб шартларини ёшлар катта қизиқиш билан кузатишди. Минтақаларнинг ривожланиши, барқарор ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда замонавий технология ва янгиликлардан кенг фойдаланиш афзалликлари ҳақида гап кетганда, залда сув қуйгандек жимлик бўлиб қолди. Демак, нафақат иштирокчилар, балки томошабин ёшлар ҳам қандайдир янгилик қилиб ўзини кўрсатишни хоҳлайди, оиласига, жамиятга фойда келтиришни истайди. Иштирокчиларнинг ўз ғояларини амалга оширишга интилиши юқорилиги, ишларини яратишга жиддий масала сифатида қараётгани қувонарли.

Танлов шартларига мувофиқ ёш

сиёсатчилар мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳияти, сиёсий партиялар, улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари бўйича билимларини синовдан ўтказишди. Ўзларига берилган имкониятдан унумли фойдаланган ёшлар саҳна маданияти, нутқ одоби ва санъати борасидаги кўникмаларини ҳам намойн қилишди.

Танлов якунига кўра, **Луиза Туганова** учинчи, **Шахноза Туюнова** иккинчи ўринга лойиқ топилди. **Ваҳобжон Ўразматов** эса биринчи ўринни олиб, вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА



■ **ДЕПУТАТ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ, «МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ВА БОШҚА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚ АМАЛГА ОШИРАДИ.**



■ **ДЕПУТАТ ОДОБ ҚОИДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ЭТИШИ ЛОЗИМ. ДЕПУТАТ ЎЗ МАҚОМИДАН ФУҚАРОЛАРНИНГ, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИГА ЗИЁН ЕТКАЗАДИГАН ТАРЗДА ФОЙДАЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.**

Дунё

баси	935,60
я франки	2629,68
	2669,49
Корея вони	23,16
енаси	211,04

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

■ Гулистон шахрида ёш футболчилар ўртасида ўтказилган минтақавий учрашувларда Тошкент шахри, барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоалари ҳал қилувчи босқичга бериладиган тўртта йўлланма учун кураш олиб борди.

Кучлилар Хоразмга боради

Футбол, волейбол ва бокс бўйича ўтказилган минтақавий баҳслар ғолиблари «Умид ниҳоллари — 2015» финал босқичида медаллар учун курашни давом эттиради

Қуръага кўра, дастлаб мусобақа иштирокчилари тўрт гуруҳда ўзаро куч синашди. Ўз гуруҳида дастлабки икки ўринни эгаллаган жамоалар «плей-офф» босқичига йўлланмани кўлга киритди. Чорак финал учрашувлари чи-накам финалга тенг баҳслар тусини олди. Чунки унда галаба қозонган тўртта терма жамоа май ойида Урганч шаҳрида бўладиган «Умид ниҳоллари — 2015» спорт ўйинлари финал босқичида қатнашиши имкониятини кўлга киритишарди.

Эътиборлиси, чорак финалнинг учта ўйинида кучлилар номига пенальтилар сериясида ойдинлик киритилди. Дастлабки жуфтликда Тошкент шахри ёш

устидан эришилган галаба ёш футболчиларимизга медаллар учун курашни давом эттириш ҳуқуқини беради. Энди финал босқичига ҳам пухта ҳозирлик қўриб, бош совринни кўлга киритиш учун бор кучимизни ишга соламыз.

Бокс бўйича минтақавий мусобақалар Чирчиқ Олимпия заҳиралари спорт коллежида уюштирилди. Унда ўн тўрт терма жамоа аъзолари ўн уч вазн тоифасида рингга чиқди. Фарғона вилояти ёш «чарм кўлқоп» усталари финал босқичига энг кўп — саккизта йўлланмани кўлга киритди. Андижон ва Тошкент вилоятлари вакиллари эса еттигача вазн тоифа-



футболчилари қорақалпоғистонлик тенгқурларига қарши майдонга тушди. Ўйиннинг асосий вақтида ҳар икки жамоа аъзолари ўз дарвозалари дахл-сизлигини сақлаб қолди — 0:0. Натижада ғолиб номи пенальтилар сериясида аниқланди ва унда омад **пойтахт-ликларга** кулиб бокди — 4:2.

Чорак финалнинг қолган уч ўйинида эса қуйидаги натижалар қайд қилинди: Сирдарё — **Фарғона** — 1:3, **Қашқадарё** — Бухоро — 0:0 (пен. бўйича — 5:4), Самарқанд — **Хоразм** — 0:0 (пен. бўйича — 2:4).

Минтақавий босқич учрашувлари кутилганидан-да мurosасиз ва шиддатли кечди, — дейди **Хоразм вилояти терма жамоаси бош мураббийи Вали Султонов**. — Жамоамиз аъзолари дастлаб «С» гуруҳида қашқадарёликларга имкониятни бой берган бўлса-да, иккинчи ўйинда Сурхондарё вилояти футболчиларини енгди. Натижада чорак финалга йўлланмани кўлга киритдик. Шогирдларим катта спорт байрамда мезбон сифатида тўп суриш шараф эканлигини ҳис этиб, чиройли ўйин кўрсатганидан жуда хурсандман. Самарқанд вилояти терма жамоаси

сида медаллар учун жанглири да-вом эттириш ҳуқуқига эга бўлди. Наманган ва Сирдарё вилоятлари терма жамоалари эса финал босқичида атиги биттадан вазн тоифа-сида иштирок этади.

Мусобақа дастуридан жой олган волейбол (ўсмирлар ва қизлар) бўйича минтақавий учрашувлар Самарқанд шахрида ўтказилди. Бир ҳафта давом этган баҳслар якунида ўсмирлар ўрта-сида Хоразм, Фарғона, Самарқанд ҳамда Андижон вилоятлари терма жамоалари кучли тўртликдан жой олди. Қизлар ўртасида кечган баҳсларда эса Хоразм, Жиззах, Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шахри ёш волейболчилари Урганчда бўладиган финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Шунингдек, кеча «Умид ниҳоллари — 2015» спорт ўйинлари дастуридан жой олган кўл тўпи ва баскетбол бўйича ҳам минтақавий баҳслар бошланди. Кўл тўпи учрашувлари Нукус шахрида, баскетбол мусобақалари Фарғонада ўтказилмоқда.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАДБИР

Касб мусобақаси

Чортоқ маиший хизмат касб-хунар коллежида анъанавий «Касб маҳорати» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда тикув ва тикув трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш техник техно-логик йўналиши бўйича тахсил олаётган коллеж ўқувчилари иштирок этди.

Кўрик-танловда белгиланган шартларни аъло даражада удалаган Чортоқ маиший хизмат касб-хунар коллежи битирувчиси Зилола Юсупова (мураббийси ишлаб чиқариш таълими устаси Маҳбубахон Бойдаева) биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олди.

Кўрик-танлов ғолиблирига вилоят ҳокимлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ва ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят



Суратда: кўрик-танлов ғолибаси — Зилола ЮСУПОВА.

бўлимининг диплом ва эсдалик совгалари тақдим этилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Кеча «Умид ниҳоллари — 2015» спорт ўйинлари дастуридан жой олган кўл тўпи ва баскетбол бўйича ҳам минтақавий баҳслар бошланди.

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ — ОЛАМ ҚУВОНЧИ

Нигоҳларда ҳайрат жилоси



РЕПОРТАЖ

Дунёда болаларга қувонч улашиш завқидек юксак туйғу бўлмаса керак. Муррак қалбларда-ги, ҳайрат тўла кўзлардаги шодлик ҳар бир кишига ҳузур бахш этади. Шундай пайтларда биз катта ёшдагилар ҳам болалардек қувонамиз...

Пойтахтимиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи байрамона безатилган. Эрталабдан янграган қарнай-сурнай садолари барча-барчани ўзига қорлайди.

Боғ ота-оналари, буви-жонлари билан келадиган жажжи болакайлар билан гав-жумлаша бошлади. Турли аттракционлар, ўйин майдончалари, ранг-баранг арғимчоқлар, эртак қаҳрамонлари — Качалполвон, Зумрад, қуёнов ва айквойлар болажонларни қуттишмоқда. Боғ майдонининг ҳар томони, муз-каймак ва яна ичимликлар, турли ширинликлар билан тўла.

Езги мавсум очилишига бағишланган байрам тантаналари бошланиб, бир зумда бутун боғни болаларнинг қий-кириғи тўтди.

— Паркент туманидан атайлаб ўғлимини олиб келдим, — дейди ўзини Гулмира Ёқубова деб таништирган аёл. — Бу боғда болаларга яратилган шарт-шароитлардан жуда қувондик.

Аёлнинг фарзандини суҳбатга тортдик.

— Исмин Умиджон, 8 ёшдаман, — дейди у. — Арғимчоқларда учдим. Эртак қаҳрамонлари билан гаплашдим, бирга расмга ҳам тушдик...

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ёз мавсумига катта тай-ёргарлик қўрилганлиги яққол сезилиб турибди. Майдони 22 гектарга тенг масканга мавсум очилишига қадар, яна саккизта янги замонавий ат-

тракцион ўрнатилди. Айни вақтда уларнинг сони жами 70 тага етди.

Аттракционлар оралиғига махсус янги йўлақлар қўрилган. Мавжуддари эса қайта таъмирланган. Мухими, 2 та сув ҳавзаси санитария тўлиқ жавоб беради. Хавфсизлик масалаларига ҳам алоҳида ёндошилган. Тегишли нукталарда махсус қузув камералари ўрнатилган бўлиб, 2 та тиббий шохбона очилди.

— Азалдан болажон халқимиз, — деди боғнинг матбуот хизмати котибаси Одинахон Холиқова. — Мавсум очилишида уларни иложи борида ҳушуд қилишга ҳаракат қилаёلمиз. Ҳар мавсумнинг очилиши ўзига хос бўлишига интиламиз, режаларимизни янгилаб борамиз. Масалан, ўтган йили пойтахтимиз маҳаллаларидаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик ўйи тарбияланувчилари учун ўтказилган хайрия тадбирларида ўн минг нафарга яқин болажон иштирок этганди. Бу йил эса уларнинг сони ўн икки минг нафардан ҳам ошади. Спортнинг бешта тури бўйича бепул тўғарақлар ташкил этдик. Турли спорт мусобақалари уюштириб, ғолибларга махсус совғаларимизни ҳам топширамыз. Кексаларимиз учун ҳар шанба ва яшанба кунлари «Муסיқа даврага чор-

лайди», деб номланган дастурлар тайёрлаганимиз. Суҳбатимизга меҳнат фажрийси **Ҳикматилла Эшов** қўшилди.

— Боғда ўйнаб юрган болакайлари кўриб, ўзим ҳам болага ўхшаб қолдим, — дейди у. — Невараларим турли аттракционларда учиб, мазза қилишпти. Болаларнинг мана шу беғубор кулгусини кўриб, ҳар бир ота-онанинг кўкси қувонгача тўлади.

— Ёшимиз улғайиб борар экан, беғубор болагимизни тез-тез соғиниб турамыз, — дейди **ЎзХДП аъзоси Покиза Иноғомова**. — Бугун мана шу боғга келган ҳар бир ота-она фарзандининг шўх-шодон кулгуларида ўзининг беғубор болагини кўради, бугун мамлакатимизда яратилган бундай шароитларни кўриб гурурланади, шу бахтли, саодатли кунларга шукрона қилади.

Боғнинг марказидаги сахнада куй-қўшиқ янграйди. Боғ қошида ташкил этилган «Улғубек юлдузлари» бадиий дастаси хонандалари, «Дурдона» фольклор-этнографик гуруҳи, «Жайхун» қўғирчоқ театри артистларининг ранг-баранг дастурлари томошабинларга ҳақиқий байрам кайфиятини бағишлади.


Эрта тонгдан бошланган қизикarli томоша ва дастурлар кечга қадар давом этди. Болажонлар қалбидagi шод-лик нашидасини шомнинг салқин ҳавоси ҳам сўндирма олмади. Кичкинтойлар қувончидан тун ҳам чекингандек бўлди, назаримизда...

Озода БЕКМУРОДОВА,
Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!



ДУНЁ БЎЙИЧА БЎЙИ
ЭНГ КИЧИКЛАР
ЯПОНЛАР
ҲИСОБЛАНАДИ. ЭНГ
КАТТАЛАРИ ЭСА
ГОЛЛАНДЛАРДИР.



ИНСОН УМРИ
ДАВОМИДА ЎРТА
ҲИСОБДА ЕРНИНГ
ЭКВАТОР ЧИЗИГИНИНГ
БЕШ БАРОБАРИГА ТЕНГ
БЎЛГАН МАСОФАНИ
БОСИБ ЎТАДИ.



ҲАР БИР ИНСОН ЎЗ
ТУФИЛГАН КУНИНИ
ЎРТАЧА 20 МИЛЛИОН
КИШИ БИЛАН БИР
ВАҚТДА
НИШОНЛАЙДИ.



УЙ БЕКАСИ УЙ ИШЛАРИНИ
ҚИЛАЁТИБ БИР КУНДА
ЎРТА ҲИСОБДА 11
КИЛОМЕТР МАСОФАНИ
БОСИБ ЎТАДИ.

ОБ-ҲАВО	21-22.04 — 2015
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+10 / +15 +27 / +32
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+13 / +18 +30 / +35
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+10 / +15 +25 / +30
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+12 / +17 +27 / +32
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+8 / +13 +22 / +27
Тошкент шаҳри	+12 / +14 +25 / +27

Тошкент вилояти ногиронларни иқтисодий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш маркази жамоаси Ўзбекистон Республикаси тадбиркор ногирон аёллар ассоциацияси бошқарув раиси **Зора РАҲМАТУЛЛАЕВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бойсун туманидаги 6-умумтаълим мактаби жамоаси ўқитувчи Раъно Турсуновага отаси

Чори ТУРСУНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.